

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"POYTAXT BANK" AJ
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"POYTAXT BANK" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"POYTAXT BANK" AJ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	100063, г. Ташкент, ул. И.Каримов, дом 55.
	Почтовый адрес:	100063, г. Ташкент, ул. И.Каримов, дом 55.
	Адрес электронной почты:	info@poytaxtbank.uz (mailto:info@poytaxtbank.uz)
	Официальный веб-сайт:	poytaxtbank.uz (https://poytaxtbank.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	заседания наблюдательного совета
	Дата проведения собрания:	08.09.2026

Дата составления протокола собрания:	08.09.2026	
Место проведения собрания:	Тошкент шаҳри	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	Банкнинг чет эл валютасида ифодаланган корпоратив облигацияларини чиқариш ва уларни «Регулятив қумдон» махсус ҳуқуқий режими доирасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг чиқарилиш параметрларини тасдиқлаш.	100,0	5	0	0	0	0
2	Чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш бўйича Агент банк билан шартнома тузиш, шунингдек облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисида Марказий қимматли қўғозлар депозитарийси билан шартнома тузиш.	100,0	5	0	0	0	0
3	Валюта облигацияларини чиқариш ва жойлаштиришни ташкил этиш бўйича андеррайтер ва брокерни тасдиқлаш.	100,0	5	0	0	0	0
4	Банкнинг чет эл валютасида ифодаланган облигацияларини эмиссия қилиш рисоласини тасдиқлаш.	100,0	5	0	0	0	0

5	Корпоратив облигацияларни «Тошкент» РФБнинг «Bond Market» бозорида листингдан ўтказиш учун ариза беришни тасдиқлаш.	100,0	5	0	0	0	0
---	---	-------	---	---	---	---	---

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

1.1. Банкнинг умумий суммаси 10 000 000 (ўн миллион) АҚШ доллари бўлган валюта облигацияларини чиқариш тасдиқлансин ва амалга оширилсин. 1.2. Банкнинг валюта облигацияларини жойлаштириш ва муомалага киритиш шартлари ва муддатлари куйидаги тартибда белгилансин: • Ушбу чиқарилиш облигацияларининг тури ва шакли: Фоизли номинал корпоратив облигация. • Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли: Хужжатсиз. • Ушбу чиқарилиш облигацияларининг номинал қиймати: Бир облигациянинг номинал қиймати 100 (юз) АҚШ долларини ташкил этади. • Ушбу чиқарилиш облигацияларининг сони (дона): 100 000 (юз минг) дона. • Жойлаштириш усули ва тартиби: Облигацияларни жойлаштириш чекланмаган сондаги инвесторлар орасида очиқ обуна орқали амалга оширилади. Жойлаштириш даврида облигацияларни олди-сотди битимлари савдо ташкилотчилари қоидаларига мувофиқ ташкиллаштирилган савдоларда амалга оширилади. Жойлаштириш муддатлари: Облигацияларни жойлаштириш муддати жойлаштириш бошланган санадан бошлаб 120 (бир юз йигирма) иш кунини ташкил этади. Жойлаштиришнинг бошланиш санаси — ушбу облигациялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги хабарнома Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.new.openinfo.uz), шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида (www.poytaxtbank.uz) эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн бешинчи) тақвим куни. Агар облигацияларни жойлаштириш бошланиш санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, у ҳолда жойлаштиришнинг бошланиш санаси ундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади. Жойлаштиришнинг тугаш санаси — ушбу чиқарилишнинг сўнгги облигацияси жойлаштирилган сана, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам жойлаштириш бошланган санадан 120 (бир юз йигирма) иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак. Жойлаштириш нархи: Ҳар бир оралиқ фоиз даврининг биринчи кунда облигацияларни жойлаштириш нархи уларнинг номинал қийматига тенг бўлади. Ушбу даврларнинг ҳар бирининг иккинчи кунидан бошлаб облигациялар номинал қиймат устига тўпланган фоиз даромади (ТФД) қўшилган ҳолда жойлаштирилади. ТФД куйидаги формула бўйича аниқланади:
$$ТФД = N * C\% * ((T+2-Ti)/365),$$
 бунда: N – бир облигациянинг номинал қиймати: 100 (юз) АҚШ доллари; C% – фоиз ставкаси: йиллик 8,5% (саккиз бутун ўндан беш фоиз); T+2 – жойлаштириш битими санасидан кейинги иккинчи иш куни; Ti – битим амалга оширилган оралиқ давр бошланиш санаси. Ушбу чиқарилиш облигацияларини тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилиш облигацияларини сотиб олиш учун тўлов чет эл валютасида (АҚШ долларида) Агент банк орқали, «Регулятив қумдон» махсус ҳуқуқий режими доирасида чет эл валютасида ифодаланган облигацияларни чиқариш, жойлаштириш, муомалага киритиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎЗР Адлия вазирлигида 2026 йил 29 апрелда №3826 билан рўйхатга олинган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги ПФ-254-сон Фармони билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Чиқарилишнинг таъминоти: Ушбу чиқарилиш учун таъминот назарда тутилмаган. Муомала муддатлари: Облигациялар муомаласининг бошланиш санаси уларни жойлаштириш бошланган санадан кейинги иккинчи иш куни ҳисобланади. Облигациялар муомала бошланиш санасидан бошлаб 365 (уч юз олтиш беш) кун давомида муомалада бўлади. 365 (уч юз олтиш бешинчи) кун муомаланинг тугаш санаси ҳисобланади. Ушбу чиқарилиш облигациялари бўйича даромад тўлаш тартиби ва муддати: Облигация эгаси облигациянинг номинал қийматига нисбатан фоизлар (фоиз даромади) олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир облигация бўйича фоиз даромади ҳар бир оралиқ давр учун ҳисобланади ва тўланади. Облигациялар муомала даври 12 та оралиқ даврга бўлинган: улардан еттitasi 30 (ўттиз) тақвим кунини, бештаси эса 31 (ўттиз бир) тақвим кунини ташкил этади. Биринчи оралиқ даврнинг бошланиш санаси облигациялар муомаласининг бошланиш санасига тўғри келади, кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш саналари эса облигациялар муомаласи бошланган санадан 31-, 61-, 92-, 122-, 153-, 183-, 213-, 244-, 274-, 305- ва 335-кунларга тўғри келади. Облигация эгаларининг фоиз даромади Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан ҳар бир оралиқ даврнинг охири куни, яъни облигациялар муомала

2	2.1. Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Исроилов Даврон Уткирбаевичга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Агент банк билан чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш тўғрисида шартнома, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси билан облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилишини таъминлаш топширилсин.
3	3.1. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖнинг Банкнинг корпоратив облигацияларини ташкил этиш ва жойлаштиришда ташкилотчи, инвестиция воситачиси ва андеррайтер сифатида «FREEDOM FINANCE» МЧЖ ХК билан ҳамкорлик қилиш маъқуллансин. 3.2. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖ билан «FREEDOM FINANCE» МЧЖ ХК ўртасида Томонларнинг ҳамкорлик умумий шартларини белгиловчи ва унинг амал қилиш муддати давомида Банкнинг корпоратив облигацияларини бир нечта марта чиқаришни амалга ошириш имконини берувчи №2/AD-сон Андеррайтинг хизматларини кўрсатиш бўйича Бош шартнома тузилиши маъқуллансин. 3.3. Ҳар бир алоҳида корпоратив облигациялар чиқарилиши бўйича қарор, шу жумладан унинг валютаси, ҳажми, муомала муддати, фоиз ставкаси, жойлаштириш усули, таъминоти ва бошқа параметрлари, Банкнинг ваколатли органи томонидан белгиланган тартибда алоҳида қабул қилиниши ва тегишли чиқариш тўғрисидаги қарорда, эмиссия рисоласида ҳамда алоҳида шартномада акс эттирилиши белгилансин. 3.4. «FREEDOM FINANCE» МЧЖ ХКни «ПОЙТАХТ БАНК» АЖнинг АҚШ долларида ифодаланган биринчи корпоратив облигациялари чиқарилиши ташкилотчиси, инвестиция воситачиси ва андеррайтери сифатида «энг яхши ҳаракатлар» (best efforts) модели шартларида тасдиқлансин. 3.5. Банк Бошқарувининг 2026-йил 17 августдаги 89-сонли қарори билан киритилган «FREEDOM FINANCE» МЧЖ ХКнинг Банк корпоратив облигациялари биринчи чиқарилиши бўйича коммиссион ҳақ шартлари маъқуллансин. 3.6. Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Исроилов Даврон Уткирбаевичга «FREEDOM FINANCE» МЧЖ ХК билан №2/AD-сон Андеррайтинг хизматларини кўрсатиш бўйича Бош шартнома, шунингдек Банкнинг биринчи корпоратив облигациялари чиқарилиши бўйича алоҳида шартнома мазкур қарор билан маъқулланган шартларда, Банкда белгиланган тегишли ҳужжатларни келишиш ва расмийлаштириш тартибига риоя қилган ҳолда тузилишини таъминлаш топширилсин.
4	4.1. Банкнинг чет эл валютасида ифодаланган облигацияларининг Эмиссия проспекти 1-Иловага мувофиқ тасдиқлансин. 4.2. Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Исроилов Даврон Уткирбаевичга валюта облигацияларини чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани мазкур Эмиссия проспекти тасдиқланган санадан бошлаб бир ой муддатда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этилишини таъминлаш топширилсин.
5	5.1. Банкнинг чет эл валютасида ифодаланган облигацияларини «Тошкент» РФБнинг «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш маъқуллансин. 5.2. Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Исроилов Даврон Уткирбаевичга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва савдо қоидаларига мувофиқ, ушбу чиқарилиш валюта облигацияларини «Тошкент» РФБнинг «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш ваколати берилсин.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Азимов Феруз Икромович
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Ходжаев Равшанжон Рустамович
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Шермухамедов Отабек Азизжонович

**Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента
(www.poytaxtbank.uz)**

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/14701>

Дата загрузки с портала: 26.09.2026

Дата подписания: 10.09.2026

POYTAXT BANK
AJ
Direktor



AZIMOV FERUZ
IKROMOVICH